



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 20 апрель, № 77 (8700)


Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 18-19 апрель кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.



Ташрифнинг биринчи кунини ўтказилган музокараларда икки дўст мамлакат халқлари манфаатига хизмат қиладиган қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш учун соҳавий кўмиталар ва ҳудудий кенгашлар даражасида самарали алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга давлат ташрифининг иккинчи кунини ушбу мамлакат Олий Мажлиси Намояндагон мажлиси Раиси Маҳмадтоир Зокирзода билан учрашув билан бошланди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида бугун юксак даражага эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Парламентлараро алмашинуви янада фаоллаштириш, кооперация лойиҳалари ва маданий-гуманитар дастурларни қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш учун соҳавий кўмиталар ва ҳудудий кенгашлар даражасида самарали алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Қабул қилинган ҳужжатларни ҳатловдан ўтказиш ҳамда олий даражадаги келишувларнинг ўз вақтида рўйбга чиқарилиши устидан парламент назоратини амалга оширишда икки мамлакат депутатларининг муҳим роли қайд этилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзодани қабул қилди.

Ўзбекистон — Тожикистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик

муносабатларини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари кунини кеча Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида тарихий шартнома имзоланганини таъкидлади. Шу маънода, олий даражада эришилган барча келишувлар икки мамлакат ҳукуматлари томонидан сўзсиз амалга оширилиши муҳим экани қайд этилди.

Шу мақсадда кўшма "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш ва Бош вазирларнинг учрашувларини тизимли равишда ташкил этиб бориш зарур.

Товар айирбошлашни ошириш, чегараолди савдони ва савдо инфратузилмасини ривожлантириш, автомобилсозлик, энергетика, электротехника, казиб чиқариш, тўқимачилик, фармацевтика,

қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа тармоқларда саноат кооперациясини чуқурлаштириш устувор вазифалар сифатида кўрсатиб ўтилди.

Икки мамлакат ҳудудларининг салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳамда маданий-гуманитар алмашинуви кенгайтириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга давлат ташрифи доирасида мамлакатимизнинг Душанбе шаҳридаги элчихонаси янги биносининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари раъсий тасмани кесиб, Ўзбекистон дипломатик ваколатхонаси биносини очиб берди. Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради.

Президентлар элчихона биносида дипломатлар учун яратилган шароитлар билан танишди.

Элчихонада мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантиришга қаратилган ишларни самарали ташкил этиш учун барча шароитлар яратилган.

Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон элчихона Фахрий меҳмонлар китобига ўз тилакларини ёзиб қолдирди.

Сўнг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон билан биргаликда Душанбедаги ЭкспоМарказда ташкил этилган Ўзбекистон саноат кўргазмасига ташриф буюрди.

Етакчилар "Made in Uzbekistan" бренди остида ташкил этилган павильон билан танишди. Унда мамлакатимиз автомобилсозлигининг юқори технологик маҳсулот-

лари, электр ва қишлоқ ҳўжалиги техникаси, тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари, кимё, тўқимачилик, фармацевтика ва бошқа саноат тармоқларининг товарлари намойиш этилган.

Давлат раҳбарлари етакчи корхоналар кооперациясини кенгайтириш, ўзаро таъриб ва технологиялар билан алмашиш зарурлигини таъкидладилар.

Шу билан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасига давлат ташрифи якунига етди. Душанбе халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Президент Эмомали Раҳмон кузатиб қўйди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи суратлари.

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ВА САМАРАЛИ КЕЛИШУВЛАР

Душанбеда бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Тожикистон саммити якунлари хорижий экспертлар диққат марказида

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 18-19 апрель кунлари давлат ташрифи билан Тожикистонда бўлди. Ташриф натижалари унинг муваффақияти ва самарадорлигини кўрсатди. Ушбу воқеа, аввало, икки давлат ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги тарихий шартноманинг имзоланиши, шунингдек, кўп қиррали Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлигининг деярли барча жабҳасини қамраб олган 30 га яқин ҳужжатлар тўпламининг имзоланиши билан ажралиб турди.

Дунё нигоҳи

Хорижий экспертларнинг айтишича, икки томонлама муносабатларнинг бундай юқори даражага кўтарилиши Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда яхши кўшничилик, ўзаро манфаатли

ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, умумий салоҳиятни ривожлантириш ва барқарор тараққиётни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари натижасида эришилди.

Руди ФАНГ, «CASEA» Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё бизнес палатаси бош директори (Сингапур):

— Марказий Осиё минтақаси билан ишбилармонлик алоқаларини ривожлантиришга қаратилган Сингапур бизнес ҳамжамиятининг вакили сифатида Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг кўшни Тожикистонга давлат ташрифини катта иштиёқ билан кузатдим.

Менинг қизиқишимга сабаб бўлган бир қатор омиллар мавжуд. Биринчидан, Сингапур бизнеси, дунёнинг бошқа қўллаб-қувватлаётган компаниялар

сингари катта бозорларга қизиқади. Шу сабабли мамлакатлар минтақадаги кўшнилари билан яқин алоқада бўлиб, биргаликда умумий бозорни шакллантириш учун ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратганда, биз, албатта, мамнуният билан қабул қиламиз.

Ушбу ёндашув Сингапур қарашларига ҳам тўлиқ мос келади. Мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосини минтақадаги кўшнилари билан яқин муносабатлар ташкил қилади. Ҳеч кимга сир эмаски, айнан "Қўшнингга ривожланиш учун имкон бер" ("Prosper thy neighbour") тамойили туфайли Сингапур кўп жиҳатдан бутун

дунёда тан олинган иқтисодиёт ва сиёсатдаги ютуқларга эришди. Сингапур бойиб, ривожланиб бораётган экан, у ўзини ёлмасликка ҳаракат қилди, аксинча, ютуқларини кўшнилари билан баҳам кўрди. Мамлакатимиз кўшни давлатларга инвестиция киритди, у ердаги компанияларни қўшма лойиҳаларга жалб қилди.

Ушбу ёндашув кўшнилариимизнинг фаровонлигини оширишга ва шунга мос равишда минтақада ўзаро ишонч ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди. Энди Жануби-Шарқий Осиёдаги аксарият давлатлар худди шу мантқиққа риоя этишга ҳаракат қилмоқда.



Акс садо

ИККИ ТОМЧИ СУВДЕК ЎХШАШ ИККИ МИЛЛАТ

Ўзбек ва тожик халқларининг қон-қардошлик ришталари олис даврларга бориб туташади. Қувончли ва синовли кунларни биргаликда бошдан кечирган бу икки халқ бугунга келиб "икки тилда сўзлашувчи битта халқ" даражасига кўтарилди. Яшаш тарзимиз деярли бир хил, бир иқлим ва минтақада истиқомат қиламиз, урф-одатларимиз, кийиниш маданиятимиз, тўй-томоша ва хунармандчилигимиз ҳамда маърифат ва санъатимизда деярли фарқ йўқ. Шу маънода, уларни икки томчи сувдек икки миллат, десак, муболага бўлмайди.

Ана шу омиллардан келиб чиқиб, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари олий даражага кўтарилиб бораётгани, ўзаро ишончга асосланган фаол мулоқот ва дўстона муносабатлар изчиллик касб этаётгани барчамизни бирдек мамнун қилади.

Давлатимиз раҳбарининг юксак иродаси туфайли яқин кўшнилариимиз билан бундан етти йил муқаддам асос солинган ўзаро яқинлик сиёсати бугунга келиб ўзининг ул-

кан натижаларини бера бошлади. Икки давлат манфаатларига хизмат қилаётган савдо-иқтисодий ҳамда маданий-гуманитар алоқалар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Шу ўринда баъзи рақамларни келтириб ўтмоқчимиз. "Иқтисодий шарҳ" журнали маълумотига кўра 2023 йилда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 756,8 миллион долларга тенг бўлган.



ИТТИФОҚЧИЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Ўзбек ва тожик — тарихи ва тақдири уйқаш, тутуми, эътиқоди бир, маданияти, урф-одатлари ўхшаш. Халқларимиз ўртасидаги яқинлик бугунги кунда янги босқичга кўтарилиб, азалий дўстлик ришталари янада мустаҳкамланиб бормоқда. Айниқса, икки давлат Президентларининг сиёсий иродаси ва узққни кўлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли кейинги йилларда мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди.

Хусусан, 2017 йилда икки мамлакат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 237,9 млн. долларни ташкил қилган бўлса, 2023 йил якунига келиб ушбу кўрсаткич уч баробарга ортган. Бугунги кунда Ўзбекистонда тожик капитали иштирокида 289 та, Тожикистонда эса мамлакатимиз резидентлари иштирокида 71 та корхона фаолият кўрсатмоқда. 2023 йил охирига қадар Инвестиция дастури доирасида Тожикистоннинг қарий

50 миллион АҚШ долларлиқ сармояси ўзлаштирилган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистонда 1,7 миллиондан зиёд тожик диаспораси вакиллариининг миллий ўзига хослиги, тили, маданияти ва аънаваларини асраб-авайлаш учун барча шароит яратилган. Юртимиздаги мавжуд мактабларнинг 253 тасида таълим тожик тилида олиб борилмоқда.



ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Олий Мажлис Сенати Раиси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси Танзила Норбоева Тошкент вилоятининг Янгийўл ҳамда Зангиота туманларида бўлди.

Жараён

Айтиш жоизки, Сенат Раиси раҳбарлигидаги республика ишчи гуруҳи ташаббуси билан Янгийўл тумани таърибани бўйича 64 та маҳалланинг ҳар бир кўчаси ҳамда хонадонини "маҳалла еттичилиги" томонидан хатлов ўтказилди. Шу жараёнда расмий даромадга эга бўлмаган ишсизлар, касб-хўнарга ўқитилган ва тадбиркорлик қилиш истагидаги аҳоли

вакиллари рўйхати шакллантирилди.

Хозирга қадар 301 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, шундан 189 нафари аёллардир. Айни чоғда 87 фуқарога 1,9 миллиард сўм миқдорда оилавий тадбиркорлик дастури доирасида имтиёзли кредит ажратилиб, улар тадбиркорлик фаолиятига жалб қилинди. Шуларга мос равишда 465 нафар аҳоли йўналишлар кесимида ўзини ўзи банд этган бўлса, 81 нафар аёл касб-хўнарга ўқитилди.



ҲАМКОРЛИК РИВОЖИ ВА ГАЛДАГИ РЕЖАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан "Ўзбекистон ва Хитой: ўзаро иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик ривожини ва истиқболдаги режалар" мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Тадбирни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов ҳамда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Цзюнь кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги стратегик муносабатлар ўзаро ишончли ҳамкорлик, дўстлик, фаол иқтисодий, инвестициявий, маданий, инновацион мулоқотлар кўринишида янада мустаҳкамланаётганини алоҳида қайд этдилар.



МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ВА САМАРАЛИ КЕЛИШУВЛАР

Душанбеда бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Тожикистон саммити якунлари хорижий экспертлар диққат марказида



1 Ўзбекистон етакчиси ҳам худди шундай ёндашув асосида сайъ-ҳаракатлар олиб бормоқда. Айнаун минтақавий кооперациянинг кенг қўллами жараёнлари, ўзаро ишончини мустаҳкамлаш ташаббускори бўлди. Тожикистонга амалга оширилган таширф ана шундай стратегиянинг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Душанбеда томонлар саноят кооперациясини, биринчи навбатда, икки мамлакат аънавий тарзда бир-бирини тўлдирадиган соҳаларда чуқурлаштиришга келишди олдилар. Икки мамлакатнинг сув-энергетика ва транспорт-транзит салоҳиятидан фойдаланишдаги ўзаро ҳамкорлик масалаларига устувор эътибор қаратилмоқда.

Тожикистон билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун жуда муҳим. Гап, биринчи навбатда, маданият ва аънаёларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда кўп асрлик тарихий ришталар ҳақида бормоқда. Билишимча, Ўзбекистонда кўплаб тожиклар, Тожикистонда эса ўзбек миллатига мансуб аҳоли яшайди.

Буларнинг барчасини яхши англаган Ўзбекистон Президентини Тожикистонга давлат таширфини амалга оширди ва ҳаммаси билан Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзолади. Шу тарихда Президент Шавкат Мирзиёев ўзининг жуда нозик сиёсий туйғуси ва минтақадаги вазиятни ҳар томонлама чуқур англаб етганини яна бир бор намойён этиб, стратегиясидидаги муносиб мақомини тасдиқлади.

Жан-Антуан ДЮПРА, Европада прогнозлаш ва хавфсизлик институти эксперти, Ўзбекистон бўйича мутахассис (Франция):



— Шавкат Мирзиёев 2016 йил декабрь ойда Ўзбекистон Президенти этиб сайланганидан буюн Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатларни сезиларли даражада мустаҳкамлади. 2018 йил март ойда Душанбега биринчи давлат таширфи чоғида уни Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон илиқ кутиб олди. Таширф давомиди икки мамлакат

ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг турли соҳаларига, жумладан, иқтисодиёт, туризм, хавфсизлик йўналишларига оид 27 та битим имзоланди. Икки мамлакат ўртасидаги чегара муаммоларини ҳал қилиш бўйича биргаликдаги сайъ-ҳаракатлар ва икки мамлакат фуқаролари учун виза тартибларининг бекор қилиниши ушбу яқинлашувнинг энг катта ютуқларидан бири бўлди. Олий даражадаги биринчи таширфдан олти йил ўтгач ва кейинги бир қатор учрашувларни ҳисобга олган ҳолда кўплаб муҳим натижаларга эришилганини қайд этиш мумкин. Шундай қилиб, иқтисодий соҳада сўнгги йилларда ҳажми ўнлаб қарага ошган икки томонлама савдо алоқаларини алоҳида таъкидлаш керак.

Икки томонлама муносабатлар изчил юксалиб бораётган бир паллада Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 18-19 апрель кунлари Тожикистонга навбатдаги давлат таширфи бўлиб ўтди. Олий даражадаги музокаралар, икки томонлама учрашувлар ва қўшма тadbирлар икки мамлакат ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган. Минтақавий ва халқаро музокаралар кун тартиби Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилишга бағишланди.

Иқтисодий, кишлоқ ҳўжалиги, савдо, саноят, транспорт, энергетика соҳаларидаги ҳамкорликнинг муҳим қўшма лойиҳалари муҳокама қилинди. Маданий-гуманитар ва сайёҳлик алмашинувларини рағбатлантиришга катта эътибор қаратилди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга давлат таширфи чоғида имзоланган янги икки томонлама битимлар мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик ривожига янги туртки беради.

Юсеф БРИЙЛ, «Польша — Шарқ» уюшмаси президенти:



— Ўзбекистон минтақада асосий геосийсий ўринни эгаллайди. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган халқаро майдонлардаги ташаббуслар жажон ҳамжамиятининг алоҳида эътиборига лойиқдир. Ўзбекистон

тон Президентининг сайъ-ҳаракатлари натижасида минтақада дўстона муҳит шаклланди, мамлакатлар ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилди.

Ўзбекистон етакчилигининг Тожикистонга навбатдаги таширфи икки мамлакат раҳбарлари ўртасида ўзбек ва тожик халқлари манфаати йўлида олиб борилаётган конструктив мулоқотнинг яна бир тасдиғидир.

Шуни алоҳида таъкидлашнинг истардимки, мамлакатлар ўртасида кўплаб ўз ечимини кутаётган муаммолар бор эди. Ўзбекистон Президентининг 2018 йил март ойда, 18 йил ичида биринчи марта Тожикистонга тарихий таширфи ушбу масалаларни ечимда муҳим аҳамият касб этди.

Албатта, ушбу таширф минтақалараро алоқаларни янада яқинлаштиришга, икки қўшни мамлакат халқларининг кўп асрлик муштарак ва тарихий алоқаларини мустаҳкамлашга ёрдам беради ҳамда икки давлат ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди.

Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги тарихий шартноманинг имзоланиши стратегик шерикликдан кейин мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг энг юқори даражаси бўлиб, бу икки давлатнинг ортага қайтмас ва яхши қўшничилик сиёсатининг навбатдаги босқичидир.

Муҳаммад Тилиб бин Моҳаммад Ража МОҲАН, Ислам ҳамкорлик ташкилотининг Малайзиядаги Халқаро бизнес маркази бош ижрочи директори:

— Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги тарихий шартноманинг имзоланиши ўзбек — тожик муносабатларида сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиш рамзидир.

Бунинг ортида, шубҳасиз, Ўзбекистон Президентининг мамлакат манфаатларини илгари суриш ва Марказий Осиёда барқарор ривожланиши таъминлаш учун оқилона муросаларга эришиш борасидаги самарали сайъ-ҳаракатлари ётади. Шу билан бирга, икки мамлакат раҳбарларининг шахсий дўстона муносабатлари ҳам стратегик шерик-



ликка асосланган давлатлараро мулоқотнинг юқори даражасини таъминламоқда.

Эътиборлиси, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги умумий товар айирбошлаш ҳажми қарийб 40 баробар ошиб, жадал суръатда ўсишда давом этмоқда, қўшма корхоналар сони эса 15 баробар ошди. Икки давлат ҳукуматлари ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг 2 млрд. долларга етказишни, жумладан, ўзаро етказиб бериш турларини кенгайтириш ва трансчегаравий савдо зоналарини тезкорлик билан ишга туширишни мақсад қилган.

Таширф давомиди имзоланган кўп қирралли Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлигининг деярли барча соҳасини қамраб олган 28 та ҳужжатлар тўплами алоҳида аҳамият касб этади. Савдо, саноят кооперацияси ва сув-энергетика соҳасида ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш ҳам ҳамкорликнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Уйлаймани, таширф арафасида ташкил этилган бизнес форуми муваффақиятли ўтди. Унинг доирасида машинасозлик, электротехника, энергетика, тоғ-кон санояти, кишлоқ ҳўжалиги, тўқимачилик ва фармацевтика санояти каби соҳаларда ҳамкорликнинг янги лойиҳалари ҳамда савдо шартномаларининг мустаҳкам портфели шакллантирилди.

Мунтазам равишда кинофестиваллар, концертлар, спектакллар намойиши, кўргазмалар ва ёшлар форумларини ўтказиш орқали маданий-гуманитар алмашинувлар фаоллашаётганини алоҳида қайд этмоқчиман. Хусусан, таширф чоғида икки мамлакат маданият ва санъат намояндаларига юксак фахрий унвонлар берилгани халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бу галги тарихий таширф, эришилган самарали келишувлар ва имзоланган муҳим ҳужжатлар икки давлатнинг жадал ривожланишига хизмат қилишига, қардош Ўзбекистон ва Тожикистон халқларининг умумий фаровонлигини таъминлашга ишонаман.

Кубаничбек ТААБАЛДИЕВ, киргизистонлик сиёсатшунос:

— Марказий Осиё ҳажон ҳамжамиятининг эътиборини ўзига тобора кўпроқ жалб қилмоқда. Бу фақат географик жойлашув ёки бой тарихий мерос билан боғлиқ эмас. Ушбу жиҳат минтақа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги даражага кўтарилаёт-



гани, шунингдек, замонавий шароитда умумий манфаатларни ҳимоя қилишда минтақадаги беш мамлакатнинг сайъ-ҳаракатларини бирлаштирини муҳимлигини тўғри англаш туфайлидир. Минтақавий ҳамкорлик, Марказий Осиё ичидаги кўп томонлама ва икки томонлама муносабатларнинг кучайиши минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатларда биринчи ўринга чиқмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга давлат таширфи минтақа мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни бирлаштириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди. Минтақа давлатлари раҳбарларининг турли даражадаги ўзаро таширфлари, шубҳасиз, беш республиканинг икки ва кўп томонлама муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтаришдаги хизматларини алоҳида таъкидлаш керак. Айнаун Ўзбекистон Президенти 2017 йилда минтақа давлат раҳбарларининг мунтазам Маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташаббускори бўлди.

Икки давлат раҳбарларининг 2018 ва 2022 йиллардаги ўзаро таширфларидан сўнг икки томонлама муносабатлар барча жабҳада мустаҳкамлана бошлади. Дастлаб ён қўшниси Тожикистон билан ижобий муносабатларни ўрнатган расмий Тошкент хозирги кунда икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажмининг 2 миллиард долларга етказмоқчи.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга бўлиб ўтган давлат таширфи, шубҳасиз, икки ва кўп томонлама муносабатларга қўшимча суръат бағишлайди. Чунки Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги яқин дўстлик ришталари юқори даражага кўтарилган ва ушбу муҳим омил бутун минтақада барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Дунё» АА.

ИККИ ТОМЧИ СУВДЕК ЎХШАШ ИККИ МИЛЛАТ

1 Экспорт ҳажми 605 миллион долларга етган. Экспорт асосини саноят ва кимё маҳсулотлари, ёқилғи ҳамда озиқ-овқат, машина ва ускуналар, нозик-овқат ҳомашёси ва хизматлар ташкил этади.

Халқларимизнинг қон-қардошлик ришталари тобора мустаҳкам бўлиб бораётганлигини икки давлат ўртасидаги чегара худудларида борди-келди муносабатлари яқинлашгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Наманган вилоятининг Поп тумани Тожикистонинг Сўғд вилояти Ашт тумани билан чегарадош. Президентимизнинг ташаббуси билан

Тожикистон ва Наманган ўртасидаги чегаранинг очирилиши иқтисодиёт ва тadbиркорлик учун, одамларнинг ҳаракатланиши ва сайёҳлар алмашинуви учун кенг имкониятлар яратиб берди. Бугун бу имкониятдан ҳар иккала давлатнинг фуқароларию тadbиркорлари самарали фойдаланиб келмоқда. Ўзаро борди-келди ҳамда сайёҳлар алмашинуви сезиларли даражада ошди. Tadbиркорларимиз ўртасидаги алоқалар ҳам шунга мос равишда равнақ топаётди.

Президентимизнинг Тожикистонга бу галги давлат таширфи эса халқларимиз ўртасидаги ало-

қаларни янги босқичга кўтаришга қаратилган гоя ва ташаббусларга ҳамда муҳим воқеаларга бойлиги билан тарихий аҳамият касб этди, десак, айни ҳақиқат.

Авалло, таширф доирасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланганлигини айтиш зарур. Бу икки биродар халқ ҳаётида катта тарихий воқеа бўлди. Айни чоғда ҳукуматларимиз олдида товар айирбошлаш ҳажмининг 2 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Таширф давомиди икки халқ манфаатларига мос савдо, иқтисодий ҳамда маданий-гуманитар

ва бошқа йўналишлардаги 28 та ҳужжат имзоланди. Агар ана шу ҳужжатлар моҳиятидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, уларнинг ҳар бири ўзаро алоқаларни иттифоқчилик даражасига кўтаришга йўналтирилган.

Ишонамизки, бу эзгу сайъ-ҳаракатлар яқин истиқболда ўз самарасини беради. Натижада ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги алоқа ҳар томонлама ривожланади. Табиийки, бу халқларимиз манфаатларига бирдек мос келади.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ИТТИФОҚЧИЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

1 Шунингдек, тожик тилида 4 та газета чоп қилинади, 5 та теледастур ва 30 та радиодастурлари эфирга узатилади. Айниқса, охириги етти йилда юқоридаги каби натижалар қўлами ва салмоғи кун сайин ортиб бормоқда.

18-19 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлат таширфи билан Тожикистонда бўлиши, унинг доирасида эришилган натижалар икки мамлакат ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди.

Таширф доирасида кутилган энг муҳим ҳужжат бу қардош халқларимизнинг тўб манфаатларига тўлиқ мос бўлган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзоланишидир. Ушбу шартнома Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги кўп қирралли стратегик шериклик ва иттифоқчиликни чуқурлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ортага қайтмас даражада янги босқичга чиққанидан далолатдир.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, иттифоқчилик муносабатлари деганда, бир-бирини турли жабҳаларда, жумладан, муҳофаза, савдо ва глобал масалалар бўйича ҳамкорликда кўллаб-қувватлашга келишиб олган икки давлат

ўртасидаги яқин дипломатик, иқтисодий ва хавфсизлик соҳасидаги алоқалар тушуналади. Бу иттифоқлар одатда расмий шартномалар ёки келишувлар орқали тузилади ва ўзаро хавфсизлик ҳамда манфаатларни таъминлашга қаратилган бўлади. Иттифоқчилик муносабатларининг асосий афзалликлари хавфсизликни кучайтириш, иқтисодий ҳамкорлик ва савдо имкониятларини ошириш, ресурслар алмашини, умумий қаҳирқис ва таҳдидларни бартараф этиш бўйича мувофиқлаштирилган сайъ-ҳаракатларни ўз ичига олади.

Тарихий жиҳатдан иттифоқлар геосийсий ландшафтни шакллантиришда, моҳоролар ва урушлар натижаларини аниқлашда муҳим роль ўйнаган. Замонавий шароитда эса иттифоқлар халқаро муносабатларнинг муҳим таркибий қисми бўлиб қолмоқда. Мамлакатлар минтақавий ва глобал сиёсатда ўз макенини мустаҳкамлаш, потенциал хавфларнинг олдини олиш, барқарорлик ва ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида иттифоқ тузади.

Умуман олганда, давлатлар ўртасидаги иттифоқчилик муносабатлари глобал тартибни шакллантириш, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ҳам қилувчи омилдир.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистон 2 та давлат — Россия ва Қозоғистон билан Иттифоқ-

чилик муносабатлари тўғрисидаги, 14 та давлат билан эса стратегик шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартномаларни имзоланган.

Яна бир муҳим масала. Президентимиз Тожикистон Олий Мажлиси Намояндагон мажлиси Раиси Маҳмадтоир Зокирзода билан ўтказган учрашувида парламентлараро алмашинуви янада фаоллаштириш, кооперация лойиҳалари ва маданий-гуманитар дастурларни кўллаб-қувватлаш ҳамда илгари суриш учун соҳавий қўмиталар ва худудий кенгашлар даражасида самарали алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Бу, биз, парламентарийлар учун келгусидаги режаларимизни белгилаб олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Таширф давомиди имзоланган ҳар бир ҳужжат ва мамлакат етакчилари томонидан илгари сурилган барча ташаббус, энг аввало, икки халқ турмуш фаровонлигини юксалтиришга, минтақа мамлакатлари тарақиётига хизмат қилади. Биз, депутатлар, ўз навбатида, олий даражадаги келишувларнинг ўз вақтида рўёбга чиқарилиши устидан самарали парламент назоратини амалга оширамиз.

Маълуд АДҲАМЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ВАТАН МАНЗУМАСИ

Қўхна тарих Муқанна, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби ўнлаб буюк саркардаларнинг мислсиз қаҳрамонликлариға гувоҳ. Ота-боболаримиз азалдан фарзандларини ана шу улур сиймоларнинг муносиб давомчилари сифатида мард ва жасур, энг муҳими, Ватанға содиқ юрт посбонлари қилиб тарбиялашган. Мана шундай шонли тарихға эға халқ мамлакат хавфсизлигини таъминлашға қодир бўлган қудратли миллий армияни ярата олиши табиий.

Тадбир

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз Қуролли Кучлари чегараларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя қилишға қодир бўлган қудратли куч сифатида шаклланди. Миллий армиямиз сафида хизмат қилиш чинакам мардлик ва матонат ишиға айланди.

Мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг ҳарбий салоҳия-

бўлғуси ҳарбийларни она Ватанға муҳаббат ва садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларға ҳурмат руҳида тарбиялашға, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва жисмоний тайёргарлигини янада ривожлантиришға хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган навбатдаги маънавий-маърифий тadbир мазкур таълим масканида ташкил қилинди.

Анжуман иштирокчилари аввал Урганч шаҳидаги Жалолиддин Мангуберди ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди. Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган ушбу маҳаббатли ҳайкал бугун Хоразмнинг ўзига хос “таширф қозони”ға айланган бўлиб, буюк саркарданинг сўнмас жасора-

тидан авлодларға мангу сабоқ бериб турибди.

Меҳмонлар ҳарбий лицейда ўқувчилар учун яратилган шароитлар, ўқув жараёнлари билан танишиди.

— 300 ўринли мазкур ўқув масканини қуриш ва жиҳозлаш учун бюджетдан 53,5 млрд. сўм маблағ сарфланди, — дейди лицей директори Ихтиёр Саидов. — Энг сўнгги русумдаги ахборот технологиялари ва ўқув лабораторияи ускуналари билан жиҳозланган таълим масканида ўқувчи ёшларнинг пухта билим олиб, ҳарбий соҳа сир-асрорларини эгаллаши учун барча шароит яратилган. Утган йили шаффоф ва адолатли танлов натижаларига кўра минглаб талабгорлар орасидан тахрибали, етарли малака ва тоифаға ёға ўқитувчилар ҳамда 150 нафар энг иқтидорли ўқувчи саралаб олинди. Машгулотларни ўтказишға ҳарбий таълим муассасалари офицерлари, ихтисослик фанлари бўйича

юқори малакали мутахассислар жалб қилинган.

Яна бир муҳим жиҳати, Урганч давлат университети ва Чирчиқ олий танқ қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ушбу лицейға илмий-методик ёрдам кўрсатиш мақсадида масъул этиб белгиланиб, ушбу муассасалар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўқув масканида спорт мусобақалари, муддатли хизматни ўтаётган аскарлар, захирадаги офицерлар билан учрашувлар, ҳарбий қисмларға саёхатлар уюштирилаётгани ҳам таълим сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Ватан ҳимоячиси бўлиш эр йигитнинг шон-шараф иши, муқаддас бурчи экани ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан лицейға 300 донa бадий китоб топширилди. Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур монолоғлари, Ватанға муҳаб-

бат руҳидаги куй-кўшиқлар давраға ўзгача файз бағишлади.

— Юртимизнинг таникли адиблари, маданият ва санъат намояндалари билан учрашув бизда катта таассурот қолдирди, — дейди лицей ўқувчиси Рашид Жўраев. — Ватан ҳимоячисининг жанговар қобилиятини ошириш, маънавий-ахлоқий камолотида мана шундай учрашувлар, маданий-маърифий тadbирлар муҳим ўрин тутди. Ниятим — келажагда буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди бобомизнинг муносиб вориси бўлиб етишиш, етук, малакали офицер сифатида миллий армиямиз сафларида юртимизға садоқат билан хизмат қилиш. Адабиёт, театр ва кино санъати вакиллари билан ўтказиладиган бундай мулоқотлар ана шу эзгу мақсада эришимимизға ёрдам беради.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайридин Султонов иштирок этди.

Одилбек ОДАМБОВЕВ («Халқ сўзи»).

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Т. Норбоева таширф доирасида дастлаб Янгийўлдаги Томорқачиликни ривожлантириш миллий марказида ташкил этилган 67 нафар ахтиёжманд ишсиз фуқарога мотокултиватор топшириш маросимида иштирок этди.

Тошкент вилояти ва туманлари ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, “маҳалла еттилиги”, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, фаоллар қатнашган тадбирда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ҳамда томорқа ерларидан

унумли фойдаланиш, бу орқали қўри даромад олишни таъминлаш асосий мақсад қилинганлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Сенат Раиси бу мотокултиваторлар аҳолининг бўш турган томорқалардан самарали фойдаланишига, ўз ўзини банд қилишига, қолаверса, маҳалла одамларининг ерларини ҳайдаб бериш орқали қўшимча даромад олишига, томорқадан унумли фойдаланиш эвазига юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Минитехникаларни топшириш

чоғида ушбу ишлар ташкил этилишидан олдин вазият синчков ўрганилгани, халқнинг хоҳиш ва истаклари инобатга олинган ҳолда ушбу чора-тадбир амалиётга жорий қилингани алоҳида қайд этилди.

Дарҳақиқат, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида меҳнат қиладиган ҳар бир инсоннинг жонига оро қирадиган нарсас, энг аввало, илгор техникадир. Буни минитехникаларга эга бўлган аҳоли вакиллари ҳам бот-бот эътироф этишди.

Шундан сўнг Сенат Раиси маҳаллаларда бўлиб “маҳалла еттилиги”, аҳоли вакиллари билан суҳ

батлашди. Уларнинг фаолияти, шарт-шароитлари билан қизиқди.

Янгийўл туманидаги “Ниезбоши” МФЙда “маҳалла еттилиги” билан суҳбат жараёнида ҳудуддаги ҳолат, ишсиз опа-сингилларимиз бандлигини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш бора-сидаги ишларга эътибор қаратилди. Бу йўналишдаги ижобий натижалар қўламини ошириш учун зарур кўрсатмалар берилди.

Суҳбат давомида қайд этилгандек, маҳалладаги 526 та хонадондан 420 тасида иссиқхоналар қурилган ва уларда помидор,

бодринг, булғор қалампери ва қўкатлар етиштирилиб даромад олинмоқда. Мўҳими, ушбу оилалар аъзоларининг бандлиги таъминланган.

Шундан сўнг Сенат Раиси Зангиота туманидаги “Олмазор” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, “маҳалла еттилиги” билан дилдан суҳбатлашди. Маҳаллада очилган кутубхонада кечган мулоқот асосида эса бу нафақат ёшлар, балки ёши улуг инсонларнинг ҳам китоб ўқишга бўлган қизиқишини оширишда мўҳим аҳамият касб этиши урғуланди.

Шунингдек, таширф давомида маҳалладаги хонадонлар эгалари билан самимий суҳбатлар ўтказилди.

«Халқ сўзи».

ҚОНУНЛАР ЯЛПИ МАЖЛИСГА КИРИТИШ УЧУН ТАВСИА ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида сенаторлар, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўқўроги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари доимий комиссиялари вакиллари, экспертлар, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда ОАВ ходимлари қатнашди.

Сенат қўмитасида

Тадбирда иштирокчилар томонидан Сенатнинг галдаги ялпи мажлисида қиритилиши режалаштирилган масалалар, жумладан, “Саноат намуналарини халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Гага битимининг Женева актига (1999 йил 2 июль, Женева) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида”ги ҳамда “Ижрочилар, фонограмма тайёрловчилар ва эшиттириш ташкилотлари ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Рим, 1961 йил 26 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонунлар муҳокама этилди.

Сенаторлар Ўзбекистоннинг Гага битими Женева актига қўшилиши ўз саноат махсулотларини, аввало, ташқи бозорда қилиш суршидан манфаатдор субъектларга мавжуд миллий тизимларга қараганда саноат намуналарини рўйхатдан ўтказишнинг соддалаштирилган тартиб-таомиллини олиш имконини беришини таъкидлади.

Муҳокама давомида ушбу битим мамлакатимизнинг жазон технология бозорини ўз таъсирини ошириш имконини бериши, халқаро имижига ижобий таъсир кўрсатиши ҳамда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш

йўлида мўҳим қадам вазифасини ўтати алоҳида таъкидланди.

“Ижрочилар, фонограмма тайёрловчилар ва эшиттириш ташкилотлари ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Рим, 1961 йил 26 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун ахдилашувчи давлатларда ижрочилар, фонограмма тайёрловчилар ва эшиттириш ташкилотларининг интеллектуал ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган.

Мазкур қонун имзоланган, Ўзбекистон турдош ҳуқуқлар соҳасидаги халқаро стандартларни жорий этиш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади, бу эса бозор муносабатларини янада ривожлантириш ва юртимизнинг инвестициявий ҳозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадбирда миллий қўнунчиликнинг шу халқаро ҳужжатлар қондаларига мувофиқлиги, уларни ратификация қилишдан қутилаётган натижалар ҳамда кейинчалик унинг имплементациони механизмлари масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Қонунлар қўмита томонидан Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига қиритиш учун тавсия этилди.

«Халқ сўзи».

Сенатор МДХ Панинг доимий комиссияси ййғилишида иштирок этди

Куни кеча бўлиб ўтган МДХ Парламентлараро Ассамблеяси Сиёсий масалалар ва халқаро ҳамкорлик бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги мажлисида Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Равшанбек Алимов иштирок этди.

Муҳокама

Гибрид шаклида уюштирилган тадбирда Озарбайжон, Арманистон, Беларус, Қозогистон, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон парламентлари вакиллари ҳам қатнашди.

Тадбирда комиссия аъзолари томонидан МДХ ПА Кенгаши муҳокамаси учун тақдим этиладиган қатор ҳужжатлар лойиҳалари муҳокама қилинди. Айни чоғда Ассамблеянинг БМТ ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан терроризмга қарши курашиш соҳасидаги

ўзаро ҳамкорлиги, парламентлараро бирлашмалар тадбирлари тўғрисидаги ахборот эшитилди.

Хусусан, МДХ Панинг Фалястин давлатининг Ғазо секторидидаги вазият тўғрисидаги Баёноти ва МДХ ПА ҳузурида кузатувчи макоми тўғрисидаги низоом лойиҳалари кўриб чиқилди.

Муҳокама давомида билдирилган Ўзбекистон Республикасининг нуктаи назари ва тақлифлари тадбирнинг яқиний ҳужжатларида ўз ифодасини топди.

«Халқ сўзи».

ОЧИҚ ВА САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР

МУРОЖААТЛАРНИ ЖОЙИДА ЎРГАНИШ ИМКОНИИ БЕРМОҚДА

Аввал хабар берилгандек, шу кунларда Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутатлари ҳудудларда бўлиб халқ билан очиқ мулоқотлар ўтказаятир, мамлакатда амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар, янги қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка, тадбиркорлик субъектларига тушунтирмоқда.

Депутатлар — ҳудудларда

Шунингдек, депутатлар “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ҳамда Сайхунобод тажрибаси доирасида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар билан яқиндан танишмоқда.

Чунончи, парламент кўйи палатаси Спикери ўринбосари, ўзХДП фракцияси раҳбари У. Иноятов ва бир гуруҳ депутатлар Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида бўлиб аҳоли билан учрашувлар ўтказди.

“Ўзбекистон” МФЙда маҳаллий Кенгаш депутатлари, “маҳалла еттилиги” иштирокида бўлиб ўтган мулоқотда Қўнунчилик палатасида яқинда қабул қилинган — “Ўзошимчилик билан эгallaб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонунда белгиланган нормаларнинг аҳамияти тушунтирилди.

Қайд этилгандек, қонун билан ер участкаси ва унда қурилган иморатга бўлган ҳуқуқни, шунингдек, яқна тартибдаги ўй-қўй қурилган ўзошимчилик билан эгallaб олинган ер участкасига ижара ҳуқуқини эътироф этишнинг аниқ тартиблари белгиланмоқда.

Шу билан бирга, фуқаролар томонидан ортиқча эғалланган ер участкасига, боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳудуддаги турар-жойлар эғаллаган ер участкасига ижара ҳуқуқини эътироф этишнинг ҳуқуқий асослари белгилла берилипти.

Мулоқотлар жараёнида қонундаги нормалар юзасидан иштирокчиларнинг саволларига депутатлар томонидан атрофлича жавоблар берилди.

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари Хайрулло Ғафоров ҳамда бир гуруҳ депутатларнинг Фаргона вилоятида аҳоли билан учрашувлари гоятда кизгин кечди.

Куваоси шаҳридаги “Пакана” ва “Исфайрамсой” маҳалла фуқаролар йиғинларидеа бўлиб ўтган учрашувларда кейинги йилларда Қўнунчилик палатасида муҳокама этиладиган ҳар бир қонун лойиҳасида сайловчиларнинг манфаатлари ўз аксини топаётгани, бу қонунларнинг янада пишиқ

ва халқчи бўлишига хизмат қилаётгани айтиб ўтилди. Хусусан, яқинда қуйи палатада қабул қилинган ер участкаларига бўлган мулк ва ижара ҳуқуқини эътироф этишга қаратилган қонуннинг аҳамияти ҳақида тушунтиришлар берилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари мазкур учрашувлари давомида Тошлоқ туманидаги бир қатор маҳаллаларда ҳам бўлиб “маҳалла еттилиги” фаолияти билан яқиндан танишиди, аҳоли вакиллари билан очиқ мулоқотлар қилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоятда олиб борилаётган ишлар, Сайхунобод тажрибаси доирасида жойларда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар билан танишилди.

Учрашувлар давомида сайловчиларни уйлантириб келаётган бир қатор масалаларга депутатлар ташаббуси билан ечим топилди. Фуқаролар аҳоли билан мулоқотлар жараёнида аниқланган қатор муаммолар парламент аъзолари қўмағи билан ечим топаётгани, бу, ўз навбатида, одамларнинг давлатга бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилаётганини билдирди.

Қуйи палата депутати Жаҳонгир Абдураулов Асак туманидаги бир қатор маҳаллалар, хонадонларда бўлиб фуқаролар билан учрашди, ўрганилган муаммоларни қонуний йўсида ҳал этиш чора-тадбирларини кўрди.

Депутат дастлаб тумандаги Бобур номидаги МФЙда ўз томорқасида

мўъжазгина иссиқхона ташкил этган, шунингдек, чорвачилик қўбнчилик ва паррандачилик билан шуғулланиб, оила фаровонлигини таъминлаётган хонадонларда бўлди.

Ўрганишлар давомида аҳолига томорқадан самарали фойдаланиш, йилгига икки-уч маротабада ҳосил олиш бўйича зарур тавсиялар берилди. Шу билан бирга, хонадон эгаларини уйлантириб келаётган қатор масалаларга жойида ижобий ечим топилди.

Кейинги манзил — тумандаги Ибн Сино номидаги МФЙ бўлди. Бу ерда халқ вакили ўз хонадонидеа чеваарчилик билан шуғулланиб қўлаб қўзиларнинг бандлигини таъминлаб келаётган тадбиркорлар фаолияти билан яқиндан танишди.

Суҳбат жараёнида юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ўз бизнесини йўлга қўйиш истагидаги фуқароларга яратилаётган имкониетлар, қулайликлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Имтиёзли кредит олиш истагида юрган хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Парламент қуйи палатаси депутати Феруза Нигматова Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида фуқароларнинг турмуш шароитларини ўрганиди, ижтимоий соҳа объектлари, тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан танишди.

Бугунги кунда тумандаги Обод маҳалласида яшовчи Окберди Очилов, Ҳабиба Очилова, Хушдидахон Акрамова ва Абдуҳаким Абилоксимов деҳқончиликнинг ҳадисини ол-

ган, ҳар қарич ердан самарали фойдаланаётган омиклорлардан ҳисобланади. Хусусан, фуқаро Х. Акрамова тижорат банкидан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, иссиқхона ташкил қилган. Айни пайтда у помидорнинг ўзидан йилгига 50 миллион сўмгача даромад олмақда.

Тумандаги “Сарбозор” МФЙ Янги боғ кўчасида истикомат қилувчи Абдурауф Бурунов ҳам ўз хонадонидеа парранда, асалари, чорва моллари боқишни йўлга қўйиб, яқши даромад оляпти. Ҳозирда у фаолиятини кенгайтириш мақсадида яна 35 сотих майдонда боғдорчилик ва қўнатилик билан шуғулланишни бошлади. Ва бу билан ўн нафар маҳалладошини доимий иш билан таъминлади.

— Ерга меҳр билан ишлов берилса, дастурхон тўқин, рўзгор обод бўлади, — дейди миришкор. — Ўзимдан қиёс, шу томорқанинг орқасидеа тўйлар қиляпмиз, фарзандларимизни ўқитяпмиз, хуллас, самарали меҳнатимиз ортидан мўмайгина фойда кўряпмиз.

Бўлиб ўтган очиқ мулоқотлар давомида ҳудуд шароитидан келиб чиқиб туманда томорқачиликни янада ривожлантириш, Сайхунобод тажрибасини омаллаштириш, ердан самарали ҳосил олиш бўйича бир қатор тақлифлар берилди. Маҳаллий аҳоли томонидан қутарилган қўлаб мурожаатлар назоратда олинди ва тегишли идоралар вакиллари билан биргаликда уларнинг ақсарияти жойида ҳал этилди.

«Халқ сўзи».



Яқин Шарқ яна инқироз ёқасида

19 апрель, жумага ўтар кечаси Исроил ҳаво қучлари Эроннинг марказий қисмига ҳўжум қилди. Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра Исфохон аэропорти яқинида портлашлар содир бўлган. Бу Яқин Шарқдаги шундоқ ҳам таранг вазиятни издан чиқариб юбориши мумкин.

Аввалроқ Эрон Исроилнинг барча ядровий иншоотлари жойлашган ҳудудни аниқлагани ва Тель-Авив агрессияси содир бўлган тақдирда уларга ҳар қандай вақтда зарба беришга тайёрлигини маълум қилганди. Ваҳоланки, “Исроилнинг мақсади қандай қилиб бўлса ҳам Эронни қатта урушга тортиш, АҚШни унга қўшилишга мажбурлаш ҳисобланади” деган аамалга оширилгани ва мақсадга эришилганини таъкидламоқда.

Оиладаги зўравонлик учун жиноий жазо қучайтирилди

Қозогистон Президентини Қосим-Жомарт Тоқаев оиладаги ва маийш зўравонлик учун жазони қучайтиришни назарда тутувчи қонунга имзо чеқди. Қабул қилинган қонундаги ўзгартришларга кўра аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг ҳар қандай қўри-нишлари учун жавобгарлик қучайтирилмоқда. Оила институтини мустаҳкамлаш ва вояга етмаганлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган стандартлар жорий этилапти.

Шунингдек, соғлиққа енгил зарар етказганлик ва қалтаклаш учун жиноий жавобгарлик жазоси тикланмоқда. Аввал бу нормалар бекор қилинган бўлиб, ўрнига маъмурий жазо белгиланган эди. Ўз жонига қасд қилишга ундаганлик ва ёрдам берганлик, шунингдек, ўз жонига қасд қилишни тарғиб этганилик, 16 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан жинсий тегажонлик учун жиноий жавобгарлик жорий этилди. Вояга етмаган шахсни ўғирлаш ва қонунга ҳилоф равишда озодликдан маҳрум қилиш учун жазолар сезиларли даражада қучайтирилди. Йўлқирани тўламаган болани жамоат транспортидан мажбуран тушириб кетиш тақиқланди.

Эслатиб ўтамиз, сўнгги йилларда Қозогистонда аёлларга нисбатан ва оиладаги зўравонлик энг кўп муҳокама қилинаётган мавзулардан бири бўлиб қолмоқда.

Сув тошқинлари одамлар ўлимига сабаб бўлди

Афғонистонда мавсумий ёмғирлар сабаб юз берган сув тошқинлари камидеа 33 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Яна 27 киши жароҳат олган. Бу ҳақда мамлакат муваққат ҳўкумат вакиллари маълум қилди.

Афғонистон Табиий офатлари бошқариш вазирлиги вакили Абдулла Жанан Сайеянинг маълум қилишича, ўтаётган ҳафтада пойтахт Кобул ва мамлакатнинг бир қанча вилоятларида қучли сув тошқинлари кузатилган. Унга кўра 600 дан ортиқ уйлар вайронга айланган, 200 га яқин чорва моллари нобуд бўлган. Шунингдек, сув тошқини 800 гектарга яқин қишлоқ

Ҳиндистонда ўн ҳафталик парламент сайловига старт берилди

19 апрель куни Ҳиндистонда бир неча ҳафталик парламент сайловлари бошланди. Бош вазир Нарендра Модининг ҳўкумон миллатчи “Бхарата Жаната” партияси 20 дан ортиқ партиялар билан рақобатлашади. Ҳўкмрон партиянинг эса нуфузи ҳамон баланд. “Сўнгги ўн йилда 250 миллион одамни қашоқчиқдан чиқардик”, дейди учинчи муддатга сайланишга умид қилаётган Модии.

Асосий муҳолифат ҳисобланган “Ҳиндистон Миллий конгресси” партияси етақчилидаги муҳолиф альянс ишсизлик муаммо экани, бу мамлакатнинг демократик ва дунёвий нуфузига пугур етказаятгани ҳақида огоҳлантирмоқда.

Ҳиндистонда салкам 1 миллиард фуқаро овоз бериш ҳуқуқига эга. Ҳокимиятга ўн йил олдин келган Модининг обрўси ҳамон баланд. У ҳиндулар манфаатини ҳимоя қилувчи, ривожланишга қаттиқ туртки берган, Ҳиндистоннинг халқаро сахнадаги нуфузини кўтарган қучли раҳбар деб қаралади. Бироқ сўнгги оммавий сўров натижасига кўра ишсизлик ва инфляциядан хавотир қучли эканини билса бўлади.

Шунинг учун “Ҳиндистон Миллий конгресси” партияси ижтимоий дастурларга қўпроқ пул ажратишга, иш ўринларини оширишга ваъда бермоқда. Бироқ партия етакчиси Раҳул Гандининг Бош вазир бўлишга имконияти унча қатъи эмас, деб ҳисобланади.

Тўғри, халқнинг “Бхарата Жаната” партияси ҳўкумронлигидан қўнгли тўқ эмас, иқтисодий қуйинчилик мавжуд, нархлар ошмоқда, аммо шу билан бирга “муҳолифатдан бу муаммоларни ҳал қиладигани борми?” деган саволга жавоб йўқ. Ижтимоий сўров натижаларидан маълум бўлишича, ҳўкмрон партия 2019 йилги сайловдан ҳам яқшироқ натижа кўрсатиши мумкин.

Яқиний натижалар эса 4 июнь куни эълон қилинади.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Соғинч

Ойдин
ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон
халқ шоири.

ВАТАНГА
МУҲАББАТ ИЗҲОРИ

Ҳазориспанд бўлсам саҳроларингда,
Феруза тош бўлсам дарёларингда,
Ҳайит ойн бўлсам самоларингда,
Меҳру вафо — кўрар дунёларингда,
Сени ёмон кўздан асрамоқ учун!

Остонамда ётган итинг бўлоин,
Наслингни пок тутган сутинг бўлоин,
Кўзингдаги ҳурлик ўтинг бўлоин,
Баланд тоғларда бургутинг бўлоин,
Сени ганим кўздан асрамоқ учун!

Сўзим бор — савашда қилич бўлоли,
Шаҳдим бор — қуввати биринч бўлоли,
Яхши-ёмонингда илинж бўлоли,
Ипак жоним метиндан синч бўлоли,
Сени офат кўздан асрамоқ учун!

Фақат сен кўзимга қоқиб тур, Ватан,
Онамдай елкамга қоқиб тур, Ватан,
Қалбимда дарёдай оқиб тур, Ватан,
Бошимда Ҳумодай балқиб тур, Ватан,
Мени гумон сўздан асрамоқ учун!
Сени ёмон кўздан асрамоқ учун!

УМР БУ...

Умр бу — Аллоҳдан бизга омонат,
Аллоҳнинг фарзи бор азиз жонларда,
Омонатга қилма ҳаргиз хиёнат.

Умр — ёмби олтин, бўғдой донидай
Майдалама уни тегириқларда,
Аллоҳнинг фарзи бор азиз жонларда.

Омонатга ҳаргиз қилма хиёнат,
Уни пуллаб юрма майхоналарда,
Умр — бу Аллоҳдан қарзи қиёмат.

Умр — бу толедан барака, хирмон,
Елларга совурма, туфроққа сочма,
Аллоҳнинг мулки бул ҳар дон, ҳар сомон.

Ғурбат-ғийбатларга талос айлама,
Йўлингда учраган нокасу подон
Кимсаларни унга фаррош айлама.

Сенга бир ҳадият бул феруза тош,
Ўзинг заргарисан, заҳҳоби — ўзинг,
Қаллобларни-да сангтарош айлама...

Умр — бу Аллоҳдан бизга омонат...

Хушхабар

Ўзбекистон – Ироқ 4:1

Кеча Таиланд мезбонлик қилаётган
Осиё кубогининг 2-тур ўйинлари
ўтказилди.



Ушбу турда "В" гуруҳдан жой олган Ўзбекистон терма жамоаси Ироқ терма жамоасига қарши баҳс олиб борди. Учрашувда вакилларимиз яққол устунлик қилди ва яқунда 4:1 ҳисобида ғалабага эришди. Беллашувда голларни рақиб дарвозасига Акбар Усмонов, Машраб Одилов, Элбек Тўлқенов ва Суннатилла Жўраев киритди. Ироқликларнинг ягона жавоб тўпи Хайдар Маҳид номига ёзилди.

Мазкур гуруҳдаги иккинчи учрашувда Саудия Арабистони Австралияни 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Иккинчи турдан сўнг Ўзбекистон терма жамоаси олти очко жамғариб, гуруҳ пешқадамига айланиб олди. Ироқ ва Саудия Арабистони 3 очокдан тўплаган. Австралия эса икки ўйинда ҳам имкониятни бой берган.

«Халқ сўзи».

Нуқтаи назар

Давлатимиз раҳбари халқаро ва минтақавий саммит ҳамда анжуманларда, хусусан, Душанбеда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувиде сўзлаган нуқтада энергетика соҳасида хавфсизлиқни таъминлаш масаласига тўғалгани бежиз эмас. Электр энергия таъминоти дунё миқёсида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Афсуски, минтақада энергетика инфратузилмаларини ривожлантириш суръатлари саноатлаштириш ва урбанизация жараёнлари, шунингдек, демографик ўсишдан орқада қолмоқда. Бугунги кунда бу минтақа давлатларининг узок муддатли барқарор ривожланишига жиддий таҳдид солмоқда. Бундай шароитда тармоқ вазириликлари ва миллий компанияларнинг геология-қидирув ишларини олиб бориш ҳамда истиқболли конларни ўзлаштириш, энергия ресурсларини сақлаш ва етказиб бериш бўйича мавжуд инфратузилмаларни кенгайтириш ҳамда замонавий инфратузилмаларни яратиш соҳасидаги ҳамкорлигини янада кучайтириш зарурлиги тақлиф этилди.

Шу билан бирга, энергия манбаларини диверсификация қилмасдан, муқобил энергетика соҳасига инвестиция ва технологияларни жалб этмасдан ҳамда "яшил" водородни ишлаб чиқаришни йўлга қўймасдан туриб минтақани барқарор ривожлантириш мумкин эмас.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИ:
ИСТИҚБОЛ ВА ИМКОНИЯТЛАРМинтақавий электр
қуввати бозорини
яратишнинг ўзига
хос афзаллиги

Таъкидлаш жоизки, минтақа мамлакатларида аҳоли сонининг ўсиши, улар турмуш тарзининг яхшиланиши ҳисобига, иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотларнинг кўпайиши натижасида электр энергияга бўлган талаб ҳам мутаносиб равишда ошиб борапти. Аммо эҳтиёж ортгани сари, уни ишлаб чиқариш борасидаги муаммолар ҳам кўпайиб боради. Чунки қўшимча миқдорда электр энергия ишлаб чиқариш энергия ресурсларига бўлган талабни ҳам оширади, йилдан-йилга ресурсларнинг етишмовчилиги вужудга келади. Бу эса электр энергия нарх (тариф)ларининг ошишига сабаб бўлади.

Ортиб бораётган талабни қондириш учун электр энергия ишлаб чиқариш қувватини ҳар йили кўпайтириб бориш, соҳада табиий йўқотишлар миқдорини (электр энергияни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган технологияларни янги замонавий технологияларга ўзгартириш, магистраль линиялар ва ҳудудий тармоқларда фойдаланиб келинган электр узатувчи кабеллар ва трансформаторларни янгилаш орқали) камайтириш жоиз. Соҳада қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиб энергия ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бу орқали рақобат муҳитини ривожлантириш зарур бўлади. Шунинг учун энергетика тармоғини раванк топтириш бўйича узок муддатли стратегиялар ишлаб чиқилмоқда, электр энергия учун олдиндан тўловни амалга оширишни рағбатлантириш механизмлари жорий этилаётир. Ва соҳада капитал қўйилмаларни жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва мижозларга хизмат кўрсатишда самарали инновациялар гоёларга асосланган дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида рақобатбардор минтақавий электр қуввати бозорини шакллантириш, албатта, биринчидан, мамлакат ички эҳтиёжларини қаноатлантириш, иккинчидан, Марказий Осиё ҳудудига жойлашган мамлакатларнинг электр энергияга бўлган талабини самарали қоплаш имкониятини яратади. Демак, Ўзбекистон ҳудудига минтақавий электр қуввати бозорини яратишнинг ўзига хос афзалликлари мавжуд. Ва бунинг бир неча сабаби бор.

Энг аввало, электр энергияни ишлаб чиқариш ва магистраль линиялар орқали узатиш борасида тажрибанинг мавжудлиги; иккинчидан, Марказий Осиё ҳудудига жойлашган мамлакатлар ичига, айнан Ўзбекистоннинг географик жойлашув жиҳатдан қулайлиги, уларнинг барчаси билан чегарадошлиги; учинчидан, иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказларининг ҳудудлар бўйича қулай жойлашганлиги; тўртинчидан, Ўзбекистонда аҳоли сонининг қўшни мамлакатларга нисбатан анча кўплиги ва зич жойлашганлиги; бешинчидан, Ўзбекистонда электр энергия нархининг қолган мамлакатларга нисбатан арзонлиги.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда электр энергетика тармоғида замонавий илғор мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда янги энергия сиёсати олиб бориш мумкин. Электр энергия ишлаб чиқариш соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, республикамиз ҳудудига минтақавий электр қуввати бозорини такомиллаштириш, электр энергия тармоғида бозор тамойилларига асосланган нарх (тариф)ларни белгилаш, соҳанинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва имкониятларини таъдиқ қилиш орқали унинг кучи ва заиф томонларини таҳлил этиш соҳада жиддий ўзгаришларга олиб келади.

Сифат бор жойда
самарадорлик
бўлади

Мамлакатимиз нафақат ўзини ўзи электр қуввати билан таъминлаш, балки уни экспорт қилиш бўйича ҳам жиддий имкониятларга эга. Агар Ўзе-



бекистон Республикаси ҳудудига электр қуввати бозори ташкил этилса, қўшни мамлакатлар ва улар орқали Эрон, Афғонистон, Покистонга ва ХХРнинг айрим ҳудудларига электр энергия экспорт қилиш имконияти яратилади.

Шу билан бир қаторда, мамлакатимиз ҳудудига минтақавий электр қуввати бозорини шакллантириш учун Ўзбекистонда энергия таъминотида бўлган ортиқча қарамлик даражаси билан боғлиқ хавфни камайтириш, электр энергия ишлаб чиқарувчи ИЭС ва ИЭМларнинг кредитга бўлган лаёқатлилик даражасини ошириш, янги иссиқлик электр станцияларини қуришда қўшни давлатларга етказиб бериш (экспорт қилиш) имкониятла-

электр тармоқлари орқали етказиб бериш соҳасидаги фаолиятнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш учун хизмат қилади.

Айтиш жоизки, бозорда айрим корхона ва ташкилотлар ўшн асоссиз енгилликлар ва қўшимча имтиёзлар бериш амалиётидан воз кечиш, табиий монополия соҳалари бўйича таркибий-тузилмавий ўзгартаришлар киритиш орқали уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарни хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш, давлат ташкилотлари томонидан корхона ва ташкилотлар фаолиятини асоссиз текшириш амалиётидан ва бозорда рақобатчи чеклашга доир ҳуқуқий меъёрлардан воз кечиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.



“Бугун муаммодан чиқиш йўли сифатида қайта тикланадиган энергия манбаларига ҳам мурожаат қилинапти. Афтидан, 2050 йилга бориб электр қуввати ишлаб чиқаришда углероддан фойдаланмасликка эришиш режаси жўда кўп мамлакатларда қайта қуриб чиқиш арафасида. Дунё барқарор энергетика тизимига ва “яшил” иқтисодиётга ўтмоқда. Биз ҳам ўша жараёнга қўшилишимизга тўғри келади. Бахтимиз шунки, “тикланадиган энергия манбалари” деб таснифланадиган энергия ресурсларига бойимиз. Тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишга ўтиш стратегиядир, аниқ мақсадлар бор, натижа бор. Ўзбекистон 2030 йилга бориб энергетика тизимига тикланувчи энергия манбалари улушини 30 фоизга етказмоқчи.”

Барқарор энергетика
тизимига эришиш
йўлида

Марказий Осиё минтақаси, бир тарафдан, энергетика ресурсларига бой, аммо бошқа томондан, ўша энергетика ресурслари тенг тақсимланмаган ёки улар турли-туман. Сув-энергетика масалалари ҳал этилмагани ҳам муваффақиятли интеграция йўлида тўсиқ бўлиб келди. Айни чоғда Марказий Осиё республикалари электр қуввати ишлаб чиқаришнинг ранг-баранглаштириш бўйича фаол чоралар кўрмоқда, жумладан, тикланадиган энергия манбалари бўйича ўз дастурларини ривожлантирмоқда.

Марказий Осиё мамлакатларидаги энергетика тизими жуда эскириб кетгани ҳисобига соҳага, соҳага хорижий сармояни жалб этиш мақсадига мувофиқ, Зеро, Марказий Осиёнинг энергетика тизими ХХ асрнинг 60 — 70 йилларида совет иттифоқи даврида яратилган. У Марказий Осиё электр энергетика тизими ёки “Марказий Осиё энергетика халқаси” деб аталади. Ўша давр муҳандислари айни тизимни бутун минтақанинг энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишга қўлаб, яъни бутун бошли тизимнинг 70 фоизини дарёларнинг қўйи оқимида жойлашган мамлакатлар, асосан, Ўзбекистон билан Туркманистонда иссиқлик энергетикаси тармоқлари таъминла-

ши кераклигини мўлжаллаб яратган. Қолган 30 фоизи Тожикистон ва Қирғизистон гидроэнергетика тизими зиммасига тушган. Халқа 80 дан ошқ алоҳида электр қуввати ишлаб чиқарувчи иншоотларни бирлаштирган.

Қизиги шундаки, ўша иншоотларнинг 29 таси электр қувватини газ, нефть ва кўмирдан фойдаланиб ишлаб чиқарган, 48 та иншоот эса сув энергетикаси иншоотлари бўлган, яъни тизим у орқали узатиб бериладиган жами электр қувватининг 50 фоиздан ошиги Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келишига мўлжаллаб яратилган. Дарвоқе, 2022 йилда нима учун электр қуввати етказиб беришда узлишлар бўлди, деган савол тўғрилиги табиий. Гап шундаки, асосий муаммо техник сабабларга кўра келиб чиққан. Яъни

дан бўён ҳам шу йўлдан оғишмай кетадиган бўлса, олдида қўйилган мақсадларга эришиши мўқаррар. Зеро, Ўзбекистонда тикланадиган энергия манбаларига ўтиш ва мамлакатнинг энергетика тизимини мустаҳкамлаш бўйича концепция қабул қилинган.

Ўзбекистон —
имкониятлар
мамлакат

Қуёш нуридан ва шамолдан электр қуввати олиш бўйича қўлаб электр станциялари қуришга оид катта мақсадлар бор. Хитой, Европа, айнқса, Форс кўрфазы мамлакатлари — БАА ва Саудия Арабистони билан меморандумлар, битимлар имзоланган ва амалга ошириляпти. Имзоланган бир қатор шартномаларда мамлакатимиз иқтисодиётига, жумладан, энергетика соҳасига миллиардлар долларлик инвестициялар киритилиши назарда тутилган.

Минтақа барибир барқарор энергетикага ўтади. Лекин бу ўтиш ҳар бир мамлакатда турлича бўлади. Аммо ижобий жиҳат шундаки, жуда кўп инновациялар жорий этилмоқда. 2018 йилга келиб инсониятнинг бутун тарихи давомида биринчи марта қуёш энергетикаси таннарих газ, нефть ва ҳатто кўмир ёқиб иссиқлик электр станцияларидан ишлаб чиқариладиган электр қуввати таннарихдан арзонроқ бўлди. Ҳозирги кунда янги электр станциялари қурилмоқчи бўлса, аънавий иссиқлик электр станцияларидан кўра тикланадиган энергия манбалари (ТЭМ) — қуёш ва шамол электр станцияларига сармоя киритиш анча фойдали. Иил ўтган сайин ТЭМ таннарих арзонлашиб бораверади, энг асосийси, ишлаб чиқариладиган электр қуввати атропо-муҳитни фидослантирмайди. Электр қуввати таннарих Марказий Осиё шароитини ҳисобга олган тақдирда ҳам тобора арзонлашиб бормоқда.

Хуллас, аҳоли сони ортиб бора-кан, иқтисодиётлар ривожланар экан, бу ўз-ўзидан электр қуввати истеъмоли орттишига сабаб бўлади. Демак, ранг-баранглаштириш ҳар қандай энергетика тизимини ривожлантиришнинг асосий жиҳатларидан биридир. Мабодо, қайсидаир мамлакатдан электр қуввати, газ ёки нефть импорт қилинаётган экан, муқобил таъминотчиларни топишни ҳар қандай қулай жой. Уларни ташиниш бир неча каналли бўлсин. Ўзбекистонда электр қувватининг 85 фоизи газ ёқуладиган иссиқлик электр станцияларидан ишлаб чиқарилади. Қозоғистонда электр қувватининг 70 фоизи кўмир ёқиб ишлайдиган иссиқлик электр станцияларидан олинади. Табиийки, қазиб олиннадиган ёнгли ёки ёқилмага қарамлик даражаси жуда баланд. Бунинг ранг-баранглаштириш шарт. Қолаверса, ҳамкорлик зарур.

Назаримизда, интеграция сиёсат, иқтисодиёт, хавфсизлик, инфратузилма, логистика — барча соҳада ўзаро боғлиқлиқнинг юксакроқ даражаси бўлишини тақозо қилади. Биз бир-биримизга боғлиқмиз. Шунинг учун муаммоларни бирга ҳал этишимиз шарт. Қўшни мамлакатлар бўлганимиз учун иқтисодиёт соҳасида ўзаро ҳамкорлик қиламиз. Инфратузилма масаласида минтақа даражасидаги энергетика, транспорт ва логистика инфратузилмалари мавжудлиги табиий. Энг тўғри йўл — ҳамкорлик. Минтақамиз гидроэнергетика соҳасини ривожлантириш учун катта салоҳиятга эга. Ўзбекистон Тожикистонда Зарафшон дарёсида ГЭС қуриш лойиҳасини биланладиган бўлиб қолмоқда, Қирғизистонда “Қамбарота ГЭС-1” лойиҳасини амалга ошириш масаласини фасал ҳал этмоқда.

Садриддин ТУРБОЖОНОВ,

Ислом Каримов номидagi Тошкент давлат техника университети ректори, академики.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 14 591 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопчилик 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.



Тахриратта келган кўлемалар тақриз қилинмайди ва муклифга қайтарилмайди.

Газетанинг тақриз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахриратта компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.20 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5 6